

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Ўзбекистон Республикаси
Олий шураси
Олий маддият министри
Таълим министри


Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги

5111000 – Касб таълими (5231200-Суғурта иши)
бакалавриат таълим йўналишларининг малака талаблари

Тошкент



СЎЗ БОШИ

1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълимини Ривожлантириш маркази;
- Тошкент молия институти.

2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2017 йил «24» август даги 603 - сонли буйргуи.

3. ЖОРӢЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги.

Мазкур малака талабни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий чоп этиш хуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига тегишилдири.

МУНДАРИЖА

	бет
T/p	
1. <i>5111000 - Касб таълими (5231200-Суғурта иши) бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи.....</i>	4
1.1. Кўлланиш соҳаси	4
1.2. <i>5111000 – Касб таълими (5231200-Суғурта иши) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи...</i>	4
2. <i>5111000 – Касб таълими (5231200-Суғурта иши) бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар.....</i>	6
2.1. Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар.....	6
2.2 <i>5111000 – Касб таълими (5231200-Суғурта иши) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари</i>	7
3. <i>5111000 – Касб таълими (5231200-Суғурта иши) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар.....</i>	8
3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар	9
3.2. <i>5111000 – Касб таълими (5231200-Суғурта иши) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми</i>	10

1. 5111000 – Касб таълими (5231200-Сугурта иши) бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи

5111000 – Касб таълими (5231200-Сугурта иши) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи олий таълимнинг ўкув режа ва фан дастури асосида амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «бакалавр» малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидағи расмий ҳужжат(лар) берилади.

Ўкув режа ва мос малака(даражаси) ҳамда фан дастурининг мурддати 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Ўкув режа ва фан дастурининг мурддати ҳамда битирувчиларнинг малака(даражаси)

Ўкув режа ва фан дастурининг номи	Малака (даражаси)	Ўкув режа ва фан дастурини ўзлаштиришнинг мурддати
Бакалавриатнинг ўкув режа ва фан дастури	Бакалавр	4 йил

1.1. Кўлланиш соҳаси

1.1.1. Олий таълимнинг ушбу малака талаби **5111000 – Касб таълими (5231200-Сугурта иши)** таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш ўкув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси худудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Олий таълим муассасаси мазкур бакалавриат таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда малака талаб асосида ўкув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳукуқига эга деб ҳисобланади.

1.1.3. Малака талабининг асосий фойдаланувчилари:

–мазкур таълим йўналиш бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўкув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг профессор - ўқитувчилари;

–таълим йўналишининг ўкув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўкувтарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талabalari;

–уз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўкув - услубий бошқарма бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

–битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;

–олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

–олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

–таълим йўналиши(таркиби)нинг бакалавриат таълим йўналишларидан бирини ихтиёрий танлаш ҳукуқига эга бўлганabituriyentlar ва бошқа манфаатдорлар.

1.2. 5111000 – Касб таълими (5231200-Сугурта иши) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи

1.2.1. 5111000 – Касб таълими (5231200-Сугурта иши) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

5111000 – Касб таълими (5231200-Сугурта иши) бакалавриат таълим йўналиши – фан ва иқтисодий соҳадаги йўналиш бўлиб, у ўз ичига касб-хунар таълими муассасаларида мутахассисликка оид фанларни ўқитиш, сугурта компанияларида сугурта ишини ташкил этиш, кўрсатиладиган сугурта хизматлар сифатини яхшилаш, кадрлар сугурта маркетинги тадқиқотларини ўtkaziш, сугурта муносабатларини тартибга солиш,

мехнат ресурслари балансини тузиш, ахолини ҳар хил баҳтсиз ҳодисалардан сугурта қилиш тизимини такомиллаштириш билан боғлиқ комплекс масалалар мажмуасини камраб олади.

Йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

1.2.2. 5111000 – Касб таълими (5231200-Сугурта иши) бакалаврлар таълим йўналишлари бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:

- Олий ва Ўрта маҳсус таълим вазирлиги;
- умумий ўрта таълим муассасалари;
- ўрта маҳсус, касб-хунар таълим муассасалари;
- сугурта компаниялари;
- сугурта фаолияти ва ушбу фаолиятни ташкил этиш муассасалари;
- сугурта фаолияти билан боғлиқ ташкилотлар;
- сугуртанинг замонавий технологиилари;
- сугурта бозори;
- медицина сугуртасини ташкил этиш муассасалари;
- транспорт воситалари сугуртасининг ўзига хос хусусиятлари;
- қишлоқ хўжалик сугуртасини ташкил этиш;
- тадбиркорлик фаолияти қалтисликларини сугурталаш технологиилари;
- молиявий мажбуриятларни сугурталаш технологиилари;
- ноанъянавий сугурта турларини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари;
- хорижий давлатларда сугурталашнинг замонавий технологиилари.

Йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият объектларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

5111000 – Касб таълими (5231200-Сугурта иши) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолияти қўйидагиларни қамраб олади:

- ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари талабалари учун иқтисодий фанлардан ўқув-услубий мажмуаларни ва ўқув қўлланмаларни тайёрлаш;
- ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида мутахассисликка оид иқтисодий фанларни ўқитиши;
- педагогик ва психологияк билим ва кўникмаларни шакллантириш ва ўқув жараёнида татбиқ этиши;
- кичик мутахассисларни тайёрлаш жараёнларини таҳлил қилиш, оптималлаштириш, замонавий педагогик ва инновацион технологиялар ҳамда интерактив методларни қўллаш;
- сугурталаш қоидалари ва дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни қўллаш юзасидан қарорларни қабул қилиш;
- сугурта операцияларини синтезлаш ва оптималлаштириш, сугурта тарифларининг илмий асосланишини таъминлаш;
- сугурталовчининг инвестицион сиёсатини амалга оширилиш жараёнларини ташкил этиши;
- сугурта захираларини шакллантириш бўйича ҳисботлар тузиш;
- сугурта маҳсулотларини сотиш жараёнларини бошқариш ва воситачиларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;
- сугурта даъволарини кўриб чиқиш ва бартараф этиш ишларини мувофиқлаштириш ҳамда назорат қилиш;
- сугурта фаолияти юзасидан бизнес-режани ишлаб чиқиш;
- сугурта объектини таҳлил қилиш ва унга таъсир этувчи омилларни баҳолаш;

- сугурта ишининг қонунчилик асосларини такомиллаштириш;
- сугурта ташкилоти фаолиятини бюджетлаштириш, сугурта портфели шаклланишини ташкил этиш ва назорат қилиш;
- сугурта фаолиятида маркетингни самарали қўллаш орқали, сугурталовчининг рақобатдошлигини таъминлаш.
- таълимнинг электрон воситаларидан фойдаланиш.

1.2.3. Таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари

- Педагогик (умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида);
- Молиявий-иктисодий;
- Ҳисоб, таҳлил ва назорат;
- Ташкилий-бошқарув;
- Илмийт-тадқиқотни ўз ичига олади.

Йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиқсан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият турларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

Таълим йўналиши бўйича тайёрланган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

1.2.4. Таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий мослашув имкониятлари

Таълим йўналиши бўйича бакалавр ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида махсус фанларни ўқитиши мумкин.

1.2.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари

5111000 - “Касб таълими (5231200-Сугурта иши)” таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий тайёргарликдан кейин:

5A231201 – Сугурта иши;

5A110001 – Касб таълими (мутахассисликлар бўйича) магистратура мутахассислиги бўйича икки йилдан кам бўлмаган муддатда ўқишни давом эттириши мумкин.

Шунингдек, ўрнатилган тартибда мустақил тадқиқотчилик асосида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориши мумкин.

2. 5111000 – Касб таълими (5231200-Сугурта иши) таълим йўналиши

бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар

2.1. Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар:

- дунёкараш билан боғлик тизимли билимларга эга бўлиши; гуманитар ва ижтимоий-иктисодий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;

- Ватан тарихини билиши, маънавий миллий ва умуминсоний қадриятлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила олиши ва илмий асослай билиши, миллий истиқлол гоясига асосланган фаол ҳаётини нуқтаи назарга эга бўлиши;

- табиат ва жамиятда кечеётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;

- инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга ва атроф муҳитга муносабатини белгиловчи хуқуқий ҳамда маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;

- ахборот йигиши, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усусларини эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;

• тегишли бакалавриат йўналиши бўйича рақоботбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;

• янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

• соглом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўгрисида илмий тассаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш ўкув ва кўникмаларига эга бўлиши лозим.

Бакалавр:

• таълим йўналишлари бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга;

• тегишли бакалавриат йўналишлари доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;

• кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланадилар.

2.2. 5111000 – Касб таълими (5231200-Сугурта иши) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари

Педагогик фаолиятда (умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизимида):

–ўрта маҳсус, касб-хунар таълим тизимининг таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўкув фанлари бўйича иқтисодий фанлардан замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб назарий ҳамда амалий машғулотларни ўtkазиш;

–ўкув жараёнини ташкил этиш ва ўtkaziliшига кўмаклашиш, тадқиқотларда иштирок этиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш;

–ўқитилаётган фанлар бўйича дарс машғулотларини ўtkazish учун зарур бўлган ўкув-методик ҳужжатларни шакллантириш, тузиш ва уларни тадбиқ этиш;

–сугурта бозорида маркетинг тадқиқотларини ўtkazishda замонавий методларни қўллаш;

–ўрта маҳсус, касб-хунар таълими соҳалари фаолиятини таҳлил қилиши;

–мустақил таълим ва ижодий тадқиқот натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги методлар, воситалар ва бошқа жабҳаларда ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш қобилиятларига эга бўлиши лозим.

Молиявий-иқтисодий фаолиятда:

–сугурта ташкилотлари молиясини бошқариш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда меъёрий-хукуқий ҳужжатларни билиши ва улардан ўз фаолиятида фойдалана олиш;

–бизнес-режаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

–сугурта бозорида маркетинг тадқиқотларини ўtkazish;

–сугурта ташкилотлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолашда молиявий кўrsatkiчlarни ҳисоблаш усувларини қўллаш;

– сугурта ташкилотларининг молиявий барқарорлигини ошириш ва уни ривожлантириш йўлларини ишлаб чиқиш қобилиятларига эга бўлиши лозим.

Ҳисоб, таҳлил ва назорат фаолиятида:

–сугурта соҳасидаги маълумотларни йигиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш усувларини билиш;

–иқтисодий маълумотларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш;

–сугурта ташкилотлари фаолиятини халқаро амалиёт мезонлари, меъёрлари ва талаблари асосида таҳлил қилиш;

–сугурта бозори кўrsatkiчilari динамикаси ва ўзгариш тенденцияларини таҳлил қилиш;

–сугурта ташкилотларининг молиявий ва статистик ҳисоботларини тузиш ҳамда таҳлил қилиш;

–сүгурта хизматларини күрсатылда ахборот-коммуникация ва интернет технологиялари ва техник воситалардан фойдаланиш **қобиляйтларига эга бўлиши лозим**.

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

–ишлаб чиқариш фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;

–сүгурта хизматини күрсатиш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;

–ахборот-коммуникация ва интернет технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш;

–сүгурта иши ечимларини амалиётга татбиқ этиш;

–сүгурта хизматини күрсатиш жараёнида маркетинг фаолиятини бошқариш;

–бошқарув қарорини қабул қилиш;

–ишни ташкил қилиш ва уни бошқариш;

–сүгурта фаолиятини амалга ошириш бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва натижаларини баҳолаш;

–сүгурта хизматини күрсатиш жараёnlарининг атроф-муҳит муҳофазаси, ёнғин, техника ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мослигини мониторингини юритиш **қобиляйтларига эга бўлиши лозим**.

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

–илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда таълим йўналишларидаги фанлар ва уларни ўқитиши методикасига оид мавзуларда тадқиқот олиб бориш;

–сүгурта фаолияти бўйича илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш;

–сүгурта соҳасига тегишли ютуқларни, маҳсус адабиётларни ва бошқа илмий-техник ахборотларни ўрганиш;

–таълим йўналишларидаги фанларга оид илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет эл илмий-тадқиқот ютуқлари билан танишиш;

–илмий-тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;

–илмий муаммолар ечими натижаларини амалиётга жорий этиш **қобиляйтларига эга бўлиши керак**.

3. 511100 – Касб таълими (5231200-Сүгурта иши) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

511100 – Касб таълими (5231200-Сүгурта иши) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва талабаларнинг қўйидаги мажбурий фанлар блокларини ўзлаштиришини назарда тутиши зарур:

гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий;

математик ва табиий-илмий;

умумкасбий;

иҳтисослик;

қўшимча.

Касб фаолияти кўнинмаларини эгаллаш учун малака амалиётлари ўтилиши назарда тутилиши шарт.

Ўқув режалар мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда талабалар танлаган фанларни ҳам ўз ичига олиши шарт.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўқув фанларига оид бир қанча масалалар ва муаммолар бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши лозим.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасига мувофиқ равища якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

Гуманитар ва ижтимоий-иктисодий фанлар блоки:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган олий таълимнинг бакалавриат таълим йўналишлари ўқув режаларидағи гуманитар ва ижтимоий-иктисодий фанлар блокига қўйиладиган умумий талаблар асосида белгиланади.

Математик ва табиий-илмий фанлар блоки:

–умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими билан узвийлик ҳамда узлуксизликни инобатга олган ҳолда билишнинг математик усуслари, мураккаб иқтисодий тизимлар ва жараёнларни моделлаштириш тамойиллари, информатика ҳамда ахборот тўплаш, уларни қайта ишлаш ва узатиш усусларининг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида олий даражадаги тасаввурларни шакллантириши;

–табиий фанларнинг ўзаро фундаментал бирлиги; замонавий табиий ҳодисаларни тадқиқ, этиш концепцияси; табиатдан оқилона фойдаланиш ва инсон фаолиятининг экологик тамойиллари; табиатга путур етказмайдиган технологиялар яратиш истиқболлари ҳақидаги илмий тасаввурларни шакллантириши;

–таълим йўналиши учун зарур бўлган фундаментал фанларни чуқур ўрганишнинг илмий ва назарий асосларини таъминлаши;

–коинотнинг табиий обьект эканлиги ва унинг эволюцияси ҳақидаги илмий тасаввурларни шакллантириш лозим.

Умумкасбий фанлар блоки:

–математик ва табиий-илмий фанлар билан маҳсус фанлар ўртасида илмий ва назарий боғлиқликни таъминлаши;

–таълим йўналиши ихтисослик фанларни ўрганиш ва чуқур эгаллаш учун зарур бўлган фундаментал умумкасбий билимларни, амалий кўникма ва уқувларни шакллантириши;

–таълим йўналишига мувофиқ касб фаолияти соҳаларида эришилган асосий ютуқлар, муаммолар ва уларнинг ривожланиш истиқболлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиши;

–иктисодий гояларнинг асосий оқимлари эволюциясининг хусусиятлари ва тенденциялари, миллий иқтисодиёт ва унинг макроиктисодий ўлчамлари, иқтисодий салоҳиятдан самарали фойдаланиш муаммолари юзасидан назарий хулосалар чиқариши;

–статистика ва эконометриканинг назарий асосларини чуқур ўзлаштириши ва амалиётда қўллаш усусларини ўрганиши;

–мехнатни ташкил этиши, меҳнат бозорини ривожлантириши ва тартибга солиши ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаши;

–жаҳон хўжалиги ва халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасида маълумотлар ийғишини ташкиллаштириш ва уларнинг сифатини баҳолашни билиши;

–режалаштириш, ташкил этиш, мотивациялаш ва мувофиқлаштириш, бозор ҳолати ҳақида ахборот тўплаш ва қайта ишлаш, пул, кредит, қимматли қофозлар, молия бозорлари фаолияти кўрсаткичларини таҳлил қилиш кўникмаларига эга бўлиши;

–бюджет-солиқ сиёсатининг таркиби, унинг ишлаб чиқилиши, амалга оширилиши ва асосий йўналишлари, инвестицияларни жалб қилиш ва баҳолашнинг стратегик ва тактик усуслари ҳақида тасаввурга эга бўлиши;

–аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимидағи институтлар фаолияти ва уни ташкиллаштириши;

–сугурта хизматларини ташкил этишга қўйиладиган асосий талабларни билиши;

–иш жойини режалаштириш, лойиҳалаштириш ва ташкил этишга қўйиладиган асосий талабларни билиши;

Ихтисослик фанлар блоки:

- касб таълим сугурта иши бакалавриат таълим йўналиши бўйича чукур билимларни, касб фаолияти кўникмалари ва малакаларини шакллантириш;
- тегишли бакалавриат таълим йўналиши бўйича маҳсус билимларни, касб фаолияти кўникмалари ва уқувларини шакллантириши;
- сугурта ташкилотлари капиталига киритилган ва улар томонидан қилинган инвестициялар самарасини баҳолаш ҳамда тартибга солиш;
- сугурта бозори конъюктурасига мос равишда сугурта ташкилотларининг ишлаш механизмини аниқлаши, меҳнатга ҳақ тўлаш учун ажратилган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ҳисоблаши, иш вақти фондни тузиш ва ундан фойдаланишини иқтисодий таҳлил қилиши;
- таълим йўналиши негизидаги муайян магистратура мутахассислиги бўйича келгусида таълимни давом эттиришга онгли муносабатда бўлишига кўмаклашиши лозим.

Кўшимча фанлар блоки

- таълим йўналиши талабаларнинг умумкасбий ва ихтисослик фанлари бўйича кўшимча равишда чукур билим олишга бўлган эҳтиёжини қондириши;
- сугурта бозорида рақобатбардошликни таъминлаши ҳамда таълим хизматлари соҳалари ривожини жадаллаштириши;
- таълим сифатига кўйилаётган талаблар ва сугурта бозори конъюктураси тез ўзгараётган шароитда бакалавриат таълим йўналишлари бўйича ўқув режалар ва фандастурларининг сафарбарлиги ва мослашувчан бўлишини таъминланиши;
- касбий фаолият стратегияси ва тактикасини тўғри танлай олиш, касбий нуқтаи назарнинг барқарорлигини таъминлаши лозим.

Танлов фанлари:

Таълим йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиқсан ҳолда танлов фанларининг маркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.

3.2. 5111000 – Касб таълими (5231200-Сугурта иши) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажralган ҳолда (кундузги) ўқиши шакли учун аудитория машгулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 36 соатгача қилиб белгиланиши мумкин.

Ўқишининг норматив муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми кўйидагича тақсимланади:

назарий таълим -	63 - 70 %;
аттестация -	8 - 10 %;
таътил -	12 - 16 %;
малака амалиёти -	6 - 12 %;
битириув малакавий иши -	2 - 3 %.

Назарий таълим ҳажми “Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқук” билим соҳасига мувофиқ фанлар блоклари бўйича кўйидагича тақсимланади:

гуманитар ва ижтимоий-иктисодий фанлар	10 - 15 %;
математик ва табиий-илмий фанлар	10 - 15 %;
умумкасбий фанлар	50 - 55 %;
ихтисослик фанлар	15 - 20 %;
кўшимча фанлар	5 - 7 %.

Ўқув йилида таътил даврининг умумий ҳажми 6 - 10 ҳафта қилиб белгиланади.

Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гурӯҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таяинч сўзлар:


касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият обьекти, касбий фаолият жабҳаси, бакалавриатнинг асосий ўкув режа ва фан дастури (бакалавриат дастури), профиль, ўқув цикли, педагогика, педагогиканинг илмий-тадқиқот усуслари, касб таълими педагогикаси, касбий таълим дидактикаси, педагогик технологиялар, психология, касбий психология, жамият ва шахс, шахснинг индивидуал хусусиятлари, характер, темперамент, педагогик фаолият психологияси, педагогик психология, тадбиркорлик ва бизнес психологияси, замонавий таълим бериш қонуниятлари, таълим методлари, таълим шакллари, таълим воситалари, педагогик назорат, сугурта, сугурталовчи, сугурталанувчи, сугурта агенти, риск, сугурта обьекти, сугурта андеррайтери, сугурта сюрвайери, сугурта мукофоти, сугурта суммаси, сугурта шартномаси, сугурта полиси, сугурта портфели, сугурта тарифи, ихтиёрий сугурта, мажбурий сугурта, шахсий сугурта, мулк сугуртаси, жавобгарликни сугуртаси, сугурта захираси, қайта сугурта.

**Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим
муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари**

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:
Ўзбекистон Республикаси**

**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги
Олий ва ўрта махсус, қасб-хунар таълим министри
Ривожлантирици маркази**





Директор  **Б.Х.Рахимов**

2017 йил « 10 » 08

М.Ү.

Тошкент молия институти


Ректор  **Н.Х.Хайдаров**


2017 йил « 10 »  **август**

М.Ү.

КЕЛИШИЛГАН:


Тошкент давлат педагогика университети


Ректор  **Ш.С.Шарипов**

2017 йил « 12 »  **август**

М.Ү.

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва
ўрта мажсус таълим вазирлиги,
Ўрта махсус қасб-хунар таълими маркази**


Директор ўринбосари  **Х.Ш.Рахмонов**

2017 йил « 12 »  **август**

М.Ү.

Тошкент банк коллеки

Директор  **А.Н.Махмудов**

2017 йил « 12 »  **август**

М.Ү.

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус касб-хунар таълими
Марказининг Тошкент молия иинститутида тайёрланаётгани 5111000 – Касб таълими (5231200-Суғурта иши)
бакалавриат таълим йўналишига қўйилган талаблари(касбий компетентлик талаблари)**

т/р	Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус касб-хунар таълими Марказининг касб-хунар коллежлари учун кадр тайёрланаётган бакалавриат таълим йўналиши		Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус касб-хунар таълими Марказининг 5111000 – Касб таълими (5231200-Суғурта иши) бакалавриат таълим йўналиши битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)
шифри	номи		
1	5111000	Касб таълими (5231200-Суғурта иши)	<p>Битирувчи қуидаги касбий компетенция ва қобилиятларга эга бўлиши керак:</p> <ul style="list-style-type: none"> –Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунларини, таълимга оид бошқа қонун хужжатларини; –ўрта махсус, касб-хунар таълим тизимининг меъёрий–ҳукуқий ва ўқув–режалаштириш хужжатларини; –дарс берадиган фанининг мазмуни ва моҳиятини; –фанлар бўйича ўқув машғулотларини ташкил этиш ва олиб бориш методикасини; –замонавий ва самарали назорат методлари, ўқувчиларнинг билим, кўнишка ва малакаларини баҳолаш мезонларини, ўқувчиларнинг ўзлаштириши ва фаоллигини баҳоловчи рейтинг тизимини; –педагогик ва касбий мулоқот назарияси ва амалиётини, ёшлар психологияси ва физиологиясини; –ўқув жараёнида фойдаланадиган (ўқитиши) воситаларини ва замонавий педагогик технологияларни амалда қўллашни;

	<ul style="list-style-type: none"> –маънавий-маърифий ишларнинг долзарб вазифаларини, ёшлар билан тарбиявий ишлар олиб бориш усулларини, мулоқот сұхбатлар ва муомала маданияти масалаларини; –мекнат мұхофазаси ҳамда техника хавфсизлиги ва гигиена талаблари, үқув кабинетлари, аудиториялар ва бошқа хоналарни жиһозлашга қўйиладиган талабларни; –хорижий тиллардан бирининг камидан бошланғич босқичини; –бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширган ишининг натижаларини баҳолаш; –ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими тизимиға инновацион таълим ва бошқарув технологияларини жорий этиш қобилиятига эга бўлиши керак; –суғурта бозорида маркетинг тадқиқотларини ўтказиша замонавий методларни қўллаш; –суғурта бозорида маркетинг тадқиқотларини ўтказиш; –суғурта ташкилотларининг молиявий барқарорлигини ошириш ва уни ривожлантириш йўлларини ишлаб чиқиш; –ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими муассасаларида тегишли фанлар бўйича назарий ва амалий машғулотларни, үқув ва ишлаб чиқариш амалиётларини ўтказиш; –ўқув машғулотлари давомида ўқитишининг ноанъанавий методларидан фойдаланишни ҳамда замонавий ахборот-коммуникация ва педагогик технологияларни қўллай олиш; –ўқув машғулотларини ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-режалаштириш хужжатларини ишлаб чиқиш; –ўқув машғулотларини ўтказиша ўқитиш воситаларидан фойдалана олиши; –ўқувчилар ўртасида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни олиб бориш; –ўқув материалларини танлаш ва тизимлаштириш;
--	--

		<ul style="list-style-type: none"> –ўрта маҳсус, касб-хунар таълим муассасалари битирувчиликнинг битирув малакавий ишларига раҳбарлик қилиш; –касбий таълим сифатини ошириш юзасидан таклифлар киритиш; –ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни; –суғурта ташкилотлари молиясини бошқариш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда меъёрий-хукуқий ҳужжатларни билиши ва улардан ўз фаолиятида фойдалана олиш; –суғурта ташкилотлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолашда молиявий кўрсаткичларни ҳисоблаш усулларини қўллаш; –суғурта соҳасидаги маълумотларни йигиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш усулларини билиш; –суғурта ташкилотлари фаолиятини халқаро амалиёт мезонлари, меъёрлари ва талаблари асосида таҳлил қилиш; –суғурта бозори кўрсаткичилари динамикаси ва ўзғариш тенденцияларини таҳлил қилиш; –суғурта ташкилотларининг молиявий ва статистик ҳисботларини тузиш; –суғурта хизматларини кўрсатишда ахборот-коммуникация ва интернет технологиялари ва техник воситалардан фойдаланиш ва бошқалар.
--	--	---

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ўрта маҳсус касб-хунар таълими Маркази директор ўринбосари Тошкент молия институти “Касбий таълим” кафедраси мудири

Тошкент банк коллежи



Х.Ш.Рахмонов

А.А.Омонов

А.Н.Махмудов

Тошкент молия институтининг *5111000-Касб таълими* (5231200-Суғурта иши) бакалавриат таълим йуналиши бўйича малака талаблари ва ўкув режаларининг ишлаб чиқарувчилар ҳамда кадрлар истеъмолчилари ўртасида

КЕЛИШУВ ДАЛОЛАТНОМАСИ

Тошкент ш.

“12” 08 2017 йил

Биз қуйида имзо чекувчилар – Тошкент молия институти проректори И.Н.Қўзиев ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ўрта маҳсус касб-хунар таълими Маркази директор ўринбосари Х.Ш.Рахмонов *5111000-Касб таълими* (5231200-Суғурта иши) таълим йуналиши бўйича тайёрланган малака талаби мазмуни билан танишиб, келишув ҳакида ушбу далолатномани туздик:

1. **5111000-Касб таълими (5231200-Суғурта иши)**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон Қарори билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар Даствури ижросини таъминлаш бўйича Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги Даствури”нинг Ш-қисми ҳамда 2017 йил 5 майдаги “2017/2018 ўкув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида”ги ПҚ-2955-сонли Қарори, 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-3151-сонли Қарорларида ҳамда Вазирликнинг 6 майдаги 294-сонли, 30 майдаги 356-сонли, 19 июндаги 407-сонли буйруқлари ижросини таъминлаш мақсадида Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази Тошкент молия институти, турдош олий таълим муассасалари ҳамда тегишли соҳа ва тармоқлар бўйича кадр истеъмолчилари билан биргаликда ташкил қилинган ишчи-гурухлар томонидан “Олий таълим йуналишлари ва мутахассисликлари Классификатори”га мувофиқ ишлаб чиқилган таълим йуналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўкув режалари ишлаб чиқилди.

5111000-Касб таълими (5231200-Суғурта иши) бакалавриат таълим йуналиши бўйича малака талаблари ва ўкув режаларининг ишлаб чиқилишида кадрлар истеъмолчилари томонидан қўйилган талаблар инобатга олинган.

Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда мазкур малака талаблари ва ўкув режаларини ўкув жараёнларига тадбиқ этиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта маҳсус таълим
вазирлиги ўрта маҳсус касб
хунар таълими Маркази
директор ўринбосари
ТМИ ўкув ишлари проректори



Х.Ш.Рахмонов
И.Н.Қўзиев

**Тошкент молия институти томонида ишлаб чиқилган таълим
йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари
ва ўкув режаларини турдош олий таълим муассасалари билан
КЕЛИШУВ БАЁННОМАСИ**

Тошкент шаҳри

“12” 08 2017 йил

Катнашдилар:

проф.Н.Х.Хайдаров, проф.Б.Ю.Ходиев, проф.Н.Хайдаров, доц.Б.Усманов,
проф.А.Каримов, проф. Р.Дўстмуратов, проф.Б.Хасанов, проф.Р.Холбеков, проф.К.Ўразов.
проф.Ш.Эргашхўжаева, проф.Н.Йўлдошев, проф.А.Кучаров, проф.А.Жўраев,
ифд.У.Шарифходжаев, доц.Д.Саидов, доц.Э.Авазов, доц.А.Бердиев, и.ф.н.доц.З.Ниёзов,
и.ф.н.доц.Р.Тожиев, и.ф.н.доц.С.Султанова, и.ф.н.М.Маматқулов, доц.А.Махмудов,
доц.М.Аскарова, доц.Н.Мажидов, доц.Ш.Файзиев, доц.Л.Зойиров, доц.О.Останакулов,
доц.А.Аюбжонов, доц. Ф.Мухаммедов, доц.М.Шоюсупова, доц.Ғ.Захидов, доц.Қ.Хақбердиев,
доц.Ҳ.Шеннаев, доц.Қ.Шарифходжаева, доц.Б.Маматов, доц.У.Якубов, доц.Г.Мелибоева,
доц.И.Очилов ва бошқалар.

КУН ТАРТИБИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон Карори билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар Даствури ижросини таъминлаш бўйича Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги Даствури”нинг III-қисми ҳамда 2017 йил 5 майдаги “2017/2018 ўкув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида”ги ПҚ-2955-сонли Карори, 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-3151-сонли Қарорларида ҳамда Вазирликнинг 6 майдаги 294-сонли, 30 майдаги 356-сонли, 19 июнданги 407-сонли буйруқлари ижросини таъминлаш мақсадида Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази, Тошкент молия институти ҳамда турдош олий таълим муассасалари билан биргаликда ташкил қилинган ишчи-гурухлар томонидан ишлаб чиқилган таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўкув режаларини муҳокама қилиш ҳамда уларни тасдиқлаш учун тавсия этиш.

ЭШТИЛДИ:

Проф.Н.Х.Хайдаров – Тошкент молия институти ректори

Ўзбекистон Республикасининг тараққиёти ва истиқболини таъминлаш мақсадида иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий соҳалардаги катта ўзгаришларни хисобга олиб, олий таълим тизимида ҳам улкан ислоҳотлар йўлга кўйилдики, бунда олий таълим йўналишлари(мутахассисликлари)нинг янгилangan Классификаторида кадрларни тайёрлаш, жаҳон тажрибалари, мамлакат ва жамият манфаатларидан келиб чиқсан ҳолда, таълим йўналишлари (мутахассисликлари)ни тегишли соҳаларга мувофиқлик нуқтаи назаридан унификацияланмоқда. Шундан келиб чиқиб Тошкент молия институти, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Қарши мухандислик иқтисодиёт институти, Қорақалпоқ давлат университети, Солик академияси, Тошкент темир йўл мухандислик институти, Тошкент давлат аграр университети ва бошқа турдош олий таълим муассасаларининг етакчи профессор-ўқитувчилари иштирокида маҳсус ишчи гурух аъзолари томонидан таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўкув режалари ишлаб чиқилди. Уларга турдош олий таълим муассасаларидан, вазирлик ва идоралар кадрлар исътемолчилари сифатида такризлар олинди.

Сизлардан ушбу тайёрланган бакалавриат таълим йўналиши ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўкув режаларини муҳокама қилиб, ўз фикр-мулоҳазаларингизни билдиришларингизни сўрайман.

СҮЗГА ЧИҚДИЛАР:

Проф. Б.Ю.Ходиев – Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ректори.

Мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг истиқболлари, жамият эҳтиёжи, фан, техника, технология ва маданият ютуқлари, кадрлар тайёрлаш борасида жаҳон тенденцияларидан келиб чиқиб, иқтисодиёт соҳаларининг модернизациялашув шароитида кадрлар истеъмолчиларининг талабларини олий таълим мазмунига тезкор жорий этилишига тегишли шароитлар яратиш, олий таълим давлат таълим стандартларини халқаро амалиётдаги академик стандартлар билан уйғулаштириш хамда уларнинг узвийлигини таъминлашга асосий эътибор каратилмоқда. Тошкент молия институти ва турдош олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган барча таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари меъёр талабларига жавоб беради. шунингдек малака талаблари ва ўқув режаларининг ишлаб чиқилишида кадрлар истеъмолчилари томонидан қўйилган талаблар инобатга олинган.

Проф.А.Каримов, проф.Н.Хайдаров, доц.К.Шарифходжаева, доц.Б.Маматов, доц.Д.Саидов, доц.Ш.Файзиев, проф.Ш.Шохаззамий - Тошкент молия институти ва турдош олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган барча таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари замонавий талаблар асосида ёзib тайёрланган, уларда иқтисодиётнинг соҳаларидаги ислоҳотлар инобатга олинганлигини таъкидладилар.

Шунингдек, Тошкент молия институти ва турдош олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган барча таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари тасдиқлаш учун тавсия этдилар.

Доц. Ф.Захидов – Тошкент молия институти ва турдош олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари олий таълим талаблари асосида тузилган.

